

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 17-oktabr • Seshanba • 123 (27.615) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• Қарши шахрининг 2700 йиллигига



ҚАДИМ НАСАФ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Айни кунларда кўхна ва навқирон Қарши шахрининг 2700 йиллигига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда. Янги йўллар, майдонлар, бинолар қурилади. Тарихий ёдгорликлар таъмирланди, атрофи ободонлаштирилди.

Қарши шаҳри ва бошқа туманларда янги лицей ва коллеж, мактаб ва боғча бинолари, спорт ва маданий-маиший иншоотлар бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда. Бутун вилоят аҳли бу улкан қурилиш ишларида ўзаро ҳамжиҳат бўлиб, қурувчиларга ёрдам қўлини чўзмоқдалар. Қарши шахридаги ободонлаштириш ва қурилиш ишларида тошкентлик, самарқандлик, хоразмлик ва Фарғона водийсидан келган кўплаб халқ усталари, қурувчиларнинг хизматлари беқиёс бўлмоқда. Айни кунларда шаҳарда янги бозор, стадион ва амфитеатр қурилиши ниҳояланмоқда.



Рўзмет ЖУМАНИЕЗ (ЎЗА) олган суратлар



Суратларда: Қарши, Шаҳрисабз ва Китобда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.

• Муносабат

ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Мамлакатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши навбатдан ташқари сессиясида сузлаган нутқини партияимиз аъзолари, фаоллари қизғин муҳокама қилишмоқда. Ўзларига тегишли хулосалар чиқариб, керакли вазибаларни белгилаб олишмоқда.

Зокиржон ХОЛМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлимининг бошлиғи:

— Юртбошимизнинг нутқини телевидение орқали диққат билан эшитдим. Андижон вилоятида кейинги йилларда ижтимоий соҳалар ва ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш борасида йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ўйларканман, хаёлимга кўп саволлар келди. Бу нуқсонларда партияимиз аъзолари, айниқса депутатларимизнинг айби йўқми? Президентимиз ўз нутқида «Бу ерда билимли ва истеъдодли ёшларга, ташаббускор, изланувчан, ўз муқталибига эга бўлган кадрларнинг ўсиб-ўлғайишига йўл бермаслик билан боғлиқ кўп-кўп мисолларни келтириш мумкин. Мана шундай ҳолатлар охири-оқибати вилоятда маънавий муҳитнинг бузилишига, носоголм қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келди» деб таъкидлади.

Ҳў, бу ҳолдан атрофдагилар беҳабармиди? Халқ ишонч билдириб, сайлаб қўйган депутатлар каби вазибалар ижроси учун фидойилик, тadbиркорлик, ватанпарварлик керак бўлади. Бу

ўйлашганими? Дарҳақиқат, раҳбар ўзига ишонса, билимли ва одил бўлса, ўз атрофида ҳам шундай ташаббускор, фидойи, эркин фикрловчи, ўз манфаатини халқ, жамият манфаатидан устун қўймайдиган, маданиятли ва ўқимшли кишиларни жипслагитириши. Юртбошимиз сессияда собиқ ҳокимнинг вилоятдаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш борасида бирон-бир амалий дастур ёки ташаббус билан чиқмаганини афсусланиб қайд этди. Энди ўзимиз йўлаб кўрайлик, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича пухта ишлаб чиқилган ҳудудий дастур, ташаббускорлик бўлмаса, ривожланиш каердан бўлади?

Андижон аҳолиси ўта зич жойлашган вилоят. Ижтимоий муҳофаза, янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ масалаларда муаммолар етарли. Аҳолини безовта қилаётган бу каби вазибалар ижроси учун фидойилик, тadbиркорлик, ватанпарварлик керак бўлади. Бу

хислатлар нафақат раҳбардан, балки ҳар бир фуқародан, партия фаоллари ва депутатлардан талаб этилади. Маҳаллий Кенгаш депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида бу муаммоларни очқ-ошқор кўтаришлари учун имконият бор эди-ку. Дадил бўлиш, одамлар манфаатини ўйлаб, камчиликлар сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида гапириш уларнинг бурчлари эди-ку. Сир эмас, кўп ҳолларда халқ депутатлари вилоят Кенгашлари сессиялари, фаоллар йиғилишлари қўлингиз ишларни ҳаспўшлаш, масалани ўзаки муҳокама этиш билан ўтади. Бундай ёндашув билан ҳеч қачон мақсадга эришиб бўлмайди.

Андижон вилоят Кенгашининг бу сессиясида айтилган гаплар, фикрлардан тўғри хулоса чиқариб олиш ҳар биримизнинг, ўзини шу юрт, шу ватан фарзандиман, деб ҳисоблаган ҳар бир инсоннинг, ҳар бир партия ташкилотининг бурчи, деб ўйлайман.



ЯРМАРКА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТАДИ

Тошкентда 17 октябрь куни II-Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси очилди. Унда ўттиздан зиёд мамлакатдан фирма ва компания вакиллари иштирок этиш истагини билдирган. Ўза мухбири ярмарка иштирокчилари билан суҳбатда бўлди.

— Корпорациямиз вакиллари ярмаркада биринчи марта иштирок этипти, — деди Бангладешнинг «Prima cotton fiber» корпорацияси раҳбари Мирза Мухаммад Шаҳид Хусейн. — Утган йили Ўзбекистонда илк бор ташкил этилган халқаро пахта ярмаркасининг довуруғини эшитиб, бу йил албатта катнашишга қарор қилгандим. Шунинг учун Тошкентга келганлигимдан жуда мамнунман.

Икки кун давомнда бу ерда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан энг йирик пахта истеъмолчилари, харидорлар тўпланади. Бу Ўзбекистон пахтасининг жаҳон бозоридан яна бир далолатдир.

Бангладешда ҳам пахта етиштирилади. Лекин ҳамма жойда бўлгани сингари, бизда ҳам сифатта биринчи даражали эътибор берилди. Шу боис ўзбек пахтасига талаб ниҳоятда катта. Корпорациямиз Ўзбекистонда етиштирилган пахтани сотиб олишдан жуда манфаатдор.

Ўзининг юксак сифати билан ажралиб турадиган ўзбек пахтасини илгари ҳам харид қилар эдик. Аммо «учинчи қўллардан» олинар ва анча-мунча қимматга тушар эди. Ушбу ярмарка эса энди ўзбек пахтасини Бангладешга тўғридан-тўғри етказиб бериш имкониятини кенгайтиради.

Биз ўзбекистонлик ҳамкорлар билан қатор шартномаларни имзоланиш режалаштирмақдамиз. Ярмарка кунлари Бангладешга ўзбек пахтасини тўғридан-тўғри етказиб бериш борасида алоҳида дастур тузиш масаласини ҳам ўртага ташламоқчимиз. Ўйлайманки, ярмаркадаги иштирокчилар сифатли пахта харид қилишимиз, самарали мулоқотларни йўлга қўйишимиз, компаниямиздаги ишлаб чиқаришни ривожлантиришимиз учун катта имкониятлар яратди.

Ифтихор Хусейн — Бангладешнинг «Lynx international» компанияси вакили: — Компаниямиз асосан пахта импорти ва экспорти билан шуғулланади, — дейди у. — Шу пайтгача биз ҳам ўзбек пахтасини «учинчи қўлдан» сотиб олишар эдик. Бу муайян қийинчиликни ортқича сарф-харажатларни келтириб чиқарар эди. Ўзининг сифати билан жаҳонга машҳур ўзбек пахтасининг бизда жуда қадри банд. Уни тўғридан-тўғри етказиб бериш йўлга қўйилса, компаниямиз учун катта ютуқ бўлур эди.

Анъанавий тўс олаётган мазкур ярмарка мамлакатининг экспорт имкониятларини янада кенгайтириб, янгидан-янги алоқаларни қорор топтириш, кўплаб битимлар тузишда катта аҳамият касб этиши табиий. Бизнинг мақсадимиз ҳам ярмаркада фол иштирок этиб, ўзимиз учун янги шериклар топиш, улар билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишдир.

Ярмарка ўзбек пахтасининг сифатига оид хусусиятлар, уни етиштириш, сотиш ва логистика соҳасидаги сўнгги янгиликлар билан танишиш имконини беради. Ярмарка доирасида Ўзбекистоннинг пахта етиштириш ва қайта ишлаш соҳаси ривож билан яқиндан танишамиз. Айни пайтда Ўзбекистонда компаниямиз ваколатхонасини очиб ниётишимиз ҳам йўқ эмас. Бу бизнинг Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан янада яқин алоқа ўрнатилишимизда жуда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ўзбекистонни бир бор кўриш неча йиллик орзуим эди. Кўрганларим кутганимдан ҳам зиёда бўлиб чиқди. Ўзбекистоннинг меҳмондўст, ширинсўз, очқўнғил эканлиги мени лол қолдирди.

Ўза мухбири Фазлиддин АРЗИЕВ суҳбатлашди.

ларни қўллаш каби ишларнинг тўғри ташкил этилгани ва ўз вақтида амалга оширилгани эвазига бўлаётганини яхши англаймиз. Бу борада сон ва миқдор эмас, балки юксак сифатли ҳосил олиш бош мақсад қилиб қўйилгани — буларнинг барчаси пахтачилик соҳасида эришилаётган юксак марралар ва меҳнат самарасининг асосий омилли ва манбаи, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шулар қаторида пахта ҳосилини қайта ишлаш, замонавий технологиялардан фойдаланиш, экспорт талабларига жавоб берадиган шартларни қўйиш, шу тарихда деҳқонларимизнинг даромадини кўпайтириш асосий мезонга айлангани тўғрисида дунёда ўзбек пахтасига бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Мамлакатимизда пахтачилик соҳасини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, кейинги йилларда икки юзга яқин тўқимачилик корхонаси замонавий асосда модернизация қилинди ва янгитдан барпо этилди. Ана шундай ўзгаришлар натижасида юртимизда етиштирилаётган пахта ҳосилининг 27 фоизи ҳозирги пайтда ўз корхоналаримизда қайта ишланиб, тайёр маҳсулот сифатида чиқарилаётган бўлса, яқин келажақда бу рақамни 55 фоизга етказиш мақсадида энгил саноат тармоғида анжк дастур бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, иқтисодиётимизнинг бақувват бўлиб бораётгани қишлоқ аҳлининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, барча вилоятлар, туман ва қишлоқларимизда янги-янги корхоналар, кўркам уй-жойлар, раво йўллар, юзлаб мактаб, лицей ва коллежлар, замонавий тиббиёт муассасалари барпо этилиши пешона тери билан қилган ана шундай машаққатли меҳнатимизнинг меваси ва амалий намоёнидир, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Буни узоққа бормасдан, ҳозирги кунда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 84 фоизга, табиий газ билан таъминлаш даражаси эса 81,5 фоизга етгани, фақатгина жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикамиз бўйича 1350 тадан ортик умумтаълим мактаби бутунлай янгилаб қайта қасб этгани, жумладан, 65 та янги мактаб бунёд этилгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ҳеч шубҳасиз, ишлаб чиқариш тармоқлари, иқтисодиётимизнинг ҳал қилувчи соҳаси бўлиши қишлоқ ҳўжалигида иш унуми ва самарасини ошириш асосида биринчи навбатда қишлоқ ҳўтини янги бошқича кўтариш, шу заминда яшаётган одамларнинг оғирини энгил қилиш вазибалари бундан буён ҳам давлатимиз, ҳукуматимизнинг доимий эътибор марказида бўлишини таъкидлаб айтмоқчиман.

Азиз дўстларим, биродарларим! Мана шу муборак рамазон кунларида сизларнинг барча-барчангизни бағрига босиб, бутун Ўзбекистон аҳлини бугунги катта галаба билан яна бир бор қутлар эканман, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик, файзу берака, бахт ва омад тилайман.

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, доим омон бўлинг!

Ҳорманг, асло кам бўлмаг, кадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



ПАХТАКОРЛАРИМИЗНИНГ

УЛКАН ЗАФАРИ

Мамлакатимиз пахтакорлари улкан меҳнат галабасини қўлга киритдилар — 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд хирмон яратилди

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HANMOKI!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bija@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНИНГиз КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

Этироф

БУЮК ЭХТИРОМ РАМЗИ

Миллий давлатчилигимизнинг бой меросини, улуг аждодларимизнинг илм-фан, маданият ва бунёдкорлик йўлидаги оламшумул кашфиётларини жаҳонга яна бир бор намойиш этишга қизгин тайёргарлик кўрилатган шу муқаддас куларда ЮНЕСКОнинг Парижда қароргоҳида Қарши шаҳрининг 2700 ҳамда Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигига бағишланган «Диний бағрикенглик ва маданиятлараро мулоқот» ширин остида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Конференцияни бошқарган «Авиценна-Франция» ассоциацияси президенти, доктор Марк Боннел, ЮНЕСКОнинг маданият сиёсати ва маданиятлараро мулоқот бўлими мудири Катрин Стену Ўзбекистоннинг ўтмиши ҳамда бугуни, илму фани, маданияти, бой тарихий мероси ҳақида фикр юритар экан, ўзбек халқининг буюк аждодлари юксак маънавият эгалари бўлганлиги, ҳозирга қадар кадр-қимматли йўқотмаган бебаҳо асарлари билан жаҳон маданияти тарихига улкан ҳисса қўшганликлари, яратган илмий мактаблари айни пайтда ҳам минг йиллик чинорлар каби теран илдиз отиб, бетакрор салоҳияти билан тинчлик, ҳамкорлик, юксалиш йўлида самарали хизмат қилаётганлигини этироф этдилар.

«Маъмур академияси — До-нишмандлик уйининг диний бағрикенглик ва маданиятлараро мулоқотнинг ёрқин намунаси бўлган Абу Али ибн Синодек буюк мутафаккирининг фалсафий билимларидан нафақат шарқлик, балки Алберт ва Бэконларга ҳам қўллаб қарғилган олимлар ҳам

бахраманд бўлганлар. Бу Маъмур академиясининг дунёвий аҳамиятга эга эканлигидан далolat беради».

Анжуманда бир қанча хоржик олимлар сўз олиб, қадимий академиянинг жаҳон маданияти ва фани тарихидаги аҳамияти ҳусусида фикр юритдилар. Ўзбек олимларидан профессор Ашраф Аҳмедов эса ўз маърузасида Хоразмнинг қадимги ва илк ўрта асрлардаги тарихи ҳақида тўхталди. У, шунингдек, ал-Хоразмий, Абу Наср ибн Ироқ, Беруний ва Ибн Сино эришган илмий ютуқлар, Боғдод академияси билан Маъмур академияси ихдорларининг аҳил ва ҳамкор бўлганликлари, профессор Рустам Сулаймонов эса Қарши шаҳрининг ўрта Осиё маданиятида тугган ўрни, тараққийёт жараёнлари тўғрисида қимматли фикрларини билдирди.

Кўргазманинг тантанали очилиш маъросида сўз олган ЮНЕСКО Икромия Кенгаши раиси Чжан Син Шенг Ўзбекистон делегациясининг анжуманининг юксак даражада ўтганлиги билан қутларкан, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда олиб бораётган тинчликпарвар сиёсати, унинг инсоният маданияти ривожига қўшаётган ҳиссаси ҳақида тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини президенти, академик Шавкат Солиҳов мазкур анжумани ўтказишда катта ёрдам берганлиги учун ЮНЕСКО Бош директори К.Мацурага миннатдорчилик билдириб, профессорлар ҳар иккала қўл-қўлга санга қўрилатган юксак тайёргарлик ишлари ҳақида сўзлаб берди. Миллий давлатчилигимиз тарихи, илм-фани ва маданияти равишларига Европада берилган юксак баҳо, мамлакатимиз ва халқимизга кўрсатилган буюк эҳтиром рамзидир.

Нуриддин ОЧИЛОВ

ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Асака туманининг Қадим қишлоғи ўрамада «Юксалиш ФАХ» масъулияти чекланган жамият бунёдкорлари қуриб битадиган иқтисодиёт касб-хўнаор коллежи фойдаланишга топширилди. — Лоийҳа қиймати 1 миллиард 77,2 миң сўмлик коллеж қурилиши талаб даражасида жижоизланди, — дейди бош пудратчи жамият раҳбари Нуриддин Өкүббеков. — 270 нафар қишлоқ йиғит-қизларини бағрига олган бу билим даргоҳида энди нафақат қадимликлар, ён-атрофдаги қатор қишлоқ ёшлари ҳам таълим оладилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ


Интер-спорт

ЧАГАЕВ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ВАЛУЕВ БИЛАН УЧРАШАРМИКАН?

Россиялик баланд бўйли боксчи Николай Валуйев яқинда WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазндаги жаҳон чемпиони номини муносиб ҳимоя қилганди. У америкалик Монте Барретт билан ўтказган жангидан кейин Оберстауфен шаҳридаги шифохонада тиббий курайдиган эди.

Немис шифокорларининг таъкидлашларича, Валуйев фазогирлар парвоз олдидан

қўриқдан ўтказилгани каби махсус лазер мосламасида текшириб қўрилган. «Боксчининг тиззасидаги оғриқ сабаблари ўрганилди, — дейди шифокор Кристель Херрих. — Энди аниқ таъхисдан кейин уни даволаш осон кечади». «Соғлиғимни яхшилаб олганимдан кейин навбатдаги жанга ҳозирланаман, — дейди Николай. — Албатта, Владимир Кличко билан учрашунга қадар



Юртимизда профессионал бокс ҳақида гап кетгудек бўлса, аввало халқаро миқёсда шўҳрат қозонган собиқ жаҳон чемпиони Артур Григорян (67 кг.) номи тилга олинади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда Артурнинг Руслан Чагаев, Қувончбек Тайғонбоев, Тимур Ибрагимов, Қаҳрамон Орақкулов, Фарход Бақиров, Алишер Раҳимов (59 кг.), Фарход Бақиров (66 кг.), Қувончбек Тайғонбоев (69 кг.), Икром Бердиев (72 кг.) ҳамда Файрат Аҳмедов (91 кг.)лар навбатдаги рейтинг жанглари ўтказишди. WBA, WBO, GBF йўналишлари бўйича уюштирилган жангларда вакилларимизга қарши Россия, Белорус ҳамда Украинадан таш-

риф буюрган боксчилар рингга кўтарилидилар. Дастлаб муҳлислар оғир вазн тоифасида Файрат Аҳмедов ҳамда россиялик Валерий Волжинлар жангининг гувоҳи бўлишди. WBA йўналиши бўйича ушбу учрашув тўрт раунд давом этди. Ҳаваскорлар ўртасида Марказий Осиё йўналиши финалиси ва Жаҳон кубоғи совриндори бўлган Файрат Аҳмедов бунгача профессионал рингда олти учрашув ўтказиб, барчасини галаба (учтасини нокаут) билан якунлаган эди. Шу боис, кўпчилик хамюртимизнинг навбатдаги муваффақиятига ишонч билдираётган эди. Аммо яқинда қучлар тенг келди. Ҳаваскорлар ўртасида Осиё чемпиони ва Осиё йўналиши голиби Икром Бердиев (72 кг.)нинг профессионал боксчилар сафига қўшилганига ҳали қўл бўлгани йўқ. Шу кунгача тўрт (уч галаба, битта мағлубият) учра-

Шоҳмат

МУТЛАҚ ЧЕМПИОН АНИҚЛАНДИ

Россиянинг Элиста шаҳрида шоҳмат бўйича россиялик Владимир Крамник ва болгариялик Веселин Топалов ўртасида мутлақ жаҳон чемпионлигини аниқлаш учун ўтказилган баҳс ниҳоятга етди. Асосий ўйинлар дуранг (6:6) билан якунланган, мусобақа низомига кўра, 25 дақиқалик ва ҳар бир қилинган юриш учун 10 сония қўшилган 4 та ўйин белгиланди. Уларда Крамник 2,5:1,5 ҳисобида (1-ўйин — дуранг, 2- ва 4-ўйинларда — галаба, 3-ўйинда мағлубият) галаба қозонди. Халқаро шоҳмат федерацияси (ФИДЕ) томонидан В.Крамник жаҳон чемпиони, деб эълон қилинди.

Бу баҳс қандай пайдо бўлган кўпчиликни қизиқтириши табиий. 1993 йилда 13-жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ФИДЕ ўтказиб берган жаҳон чемпионлиги мусобақасидан бош тортиди ва Халқаро гротмейстерлар ассоциациясини (ХГА) тузди. Бу таъкидот ўша йили Каспаров ва англиялик Найжел Шорт ўртасида жаҳон чемпионлиги аниқлаш учун мусобақа уюштирилди. Унда ва кейинги шундай мусобақаларда Каспаров галаба қозонди. Шу орада ХГА тарқаб кетди. Унинг ўрнига жаҳон шоҳмат Кенгаши (ЖШК) ташкил этилди. Ай-



фузли мусобақа голиби венгриялик Петер Лекс билан, 16-жаҳон чемпиони Руслан Пономарёв эса Каспаров билан ярим финал учрашувини ўтказди, голиблар ўзаро ўйинда мутлақ жаҳон чемпионлиги аниқлашлари керак эди. Силлиқ ёзилган сценарий Пономарёв томонидан бузилди. У мусобақада катнашмади. Шунда ФИДЕ 2004 йилда ўтказиб берган жаҳон чемпионати низомига олдиндан чемпион Каспаров билан бирлаштирувчи мусобақада катнашиши лозимлигини белгилаб қўйди. Мусобақада голиб чиқиб, 17-жаҳон чемпиони бўлган хамюртимиз Рустам Қосимжонов бирлаштирувчи ярим финалда Каспаровга қарши донна суриш мажбуриятини ҳам зиммасига олганди. Дарҳол, бирлаштирувчи мусобақага киришди. Крамник — Лекс учрашуви дуранг (7:7)

Спорт

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС МУСОБАҚАСИ

пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида уюштирилди

риф буюрган боксчилар рингга кўтарилидилар. Дастлаб муҳлислар оғир вазн тоифасида Файрат Аҳмедов ҳамда россиялик Валерий Волжинлар жангининг гувоҳи бўлишди. WBA йўналиши бўйича ушбу учрашув тўрт раунд давом этди. Ҳаваскорлар ўртасида Марказий Осиё йўналиши финалиси ва Жаҳон кубоғи совриндори бўлган Файрат Аҳмедов бунгача профессионал рингда олти учрашув ўтказиб, барчасини галаба (учтасини нокаут) билан якунлаган эди. Шу боис, кўпчилик хамюртимизнинг навбатдаги муваффақиятига ишонч билдираётган эди. Аммо яқинда қучлар тенг келди. Ҳаваскорлар ўртасида Осиё чемпиони ва Осиё йўналиши голиби Икром Бердиев (72 кг.)нинг профессионал боксчилар сафига қўшилганига ҳали қўл бўлгани йўқ. Шу кунгача тўрт (уч галаба, битта мағлубият) учра-

шув ўтказган вакилимиз бу гал россиялик Руслан Семёновга қарши рингга чиқди. Аммо, россиялик рақиб билан кечган навбатдаги тўрт раундда ҳамда хамюртимиз қутилмаганда Семённинг кетма-кет зарбаларини ўтказиб юбориб, нокаутга учради.

Мусобақанинг қолган саккиз раундди ўш учрашувда вакилларимиз қутилганидек зафар қучишди. WBA йўналиши бўйича жаҳон таснифида тўққизинчи погонани эгаллаб турган Фарход Бақиров (22 галаба (17 нокаут билан) 2 дуранг) россиялик Сергей Старков (15 галаба (2 нокаут билан) 3 мағлубият, 7 дуранг)ни очқолар ҳисобида енгиб, рейтинг очқоларини бойитиб олди. WBO йўналиши бўйича қитъалараро чемпиони Қувончбек Тайғонбоев

(23 галаба (16 нокаут билан) 4 та мағлубият) эса Александр Воевода (Белорусни) мағлуб этди. Ҳозиргача профессионал рингда ўн бир учрашув ўтказиб, барчасида (7 нокаут билан) зафар қучган Алишер Бақиров ҳамда Олег Ефимович (Украина)ларнинг GBF йўналишидаги жанги барчада катта қизқиш уйғотди. Ҳаваскорлар ўртасида бири Осиё, иккинчиси Европа чемпиони бўлган бу боксчиларнинг профессионал рингдаги баҳсида «Али» лақаби билан тилга тушаётган хамюртимиз очқолар ҳисобида навбатдаги галабасини нишонлади.

Эркин ХОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» мухбири Суратда: мусобақадан лавҳа. Муҳаммад АМИН (Ўза) олган сурат.

Интер-спорт

САРДОР ДАРВОЗАБОН ЎРНИДА

Англия олий лига жамоалари мамлакат чемпионатининг еттинчи турида «Ридинг» ва «Челси» клублари ўзаро учрашдилар. Учрашув «Челси» фойдасига (0:1) ҳал бўлди. Лекин бу ўйинда «Челси» клуби дарвозабони Петр Чех қаттиқ жароҳат олди. У тўғрисида қилинган улгурмасдан, рақиб жамоа футболчиси Стивен Ханнинг тиззасига қаттиқ урилиб кетди. Оқибатда дарвозабоннинг мия суяги эзилганлиги маълум бўлди. Чех Оксфорддаги Радклифф шифохонасида нейрохирургик йўл билан операция қилинган.

Шифокорларнинг таъкидлашларича, операция муваффақиятли ўтган, лекин дарвозабоннинг соғлиғи ҳақида маълумот берилмапти. Қизиги шундаки, ана шу учрашувда «Челси»нинг иккинчи дарвозабони Карло Кудичин ҳам жароҳатланган. Ибрагим Сонок тирсағи билан уриб юборгани учун у хушидан кетган. Учрашув тугагунга қадар эса Лондон жамоасининг сардори Жон Терри дарвозани ҳимоя қилишга мажбур бўлди.



америкалик Жон Руис ва ўзбекистонлик Руслан Чагаев ўртасида 18 ноябрь кунини Дюссельдорфда ўтказилган жанг голиби билан рингга кўтариламан.

«СТАКАНЧИК»... ҚЎЛБОЛА ЭКАН

Манзил — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMTOILOV Sobirjon TUNG'ATOV «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabiiy ruxsati bilan amalga oshiriladi. 7131 nusxada bosildi. 1 — Tijorat materiallari O'za yakuni — 22.10 Topshirish vaqti — 22.45 2 3 4 5 6 Sotuvda erkin narxda

Хаммамиз ҳам ўзимизга керакли махсулотни харид қилиш учун дўконга киришимиз. Қўпчича харид қилган махсулотимиз сифатлими, сертификатли борми, дея қизиқиб ўтирмаймиз. Аслида ҳар бир фуқаро истеъмолчи сифатида ҳуқуқини билиши керак. Негаки, сифатсиз махсулот инсон соғлиғига хавф солиши мумкин. Масаланнинг шу жиҳатида базидда эътиборсизлик қиламан. Бефарқлигимиз нафақат ўзимизга зиён келтиради, балки иқтисодимизга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шундай экан, тегишли ҳужжати йўқ, сифатсиз махсулотлар савдосига чек қўйиш нафақат вақолатли органларнинг, балки кенг жамоатчиликнинг бурчидир. Пойтахтимизнинг Учтепа тумани 21-даҳасида яшовчи Равшан Умаров антиқа ишга қўл урган, деса биров ишонди, биров эса... Қўсқаси, у ўзи вақтинча яшаётган уйда «ароқ заводи» очган. «Ароқ — харидоринг махсулот. Тез сотилади. Агар «станканчик» тайёрласам ундан-да зўр. Утган ҳам, кетган ҳам сотиб олади. Бозорни юришадди, бизнесим «гуллайдим», дея хомхалға борган Равшан Умаров нотаниш фуқародан қўлбола усулда ароқ ёпиш мосламасини сотиб олади. Кейин эса 1,5 литрли «бақлажа»даги спиртдан харид қилади. Сўнг елим идиш топади-да «заводи» юргизиб юборади. Энди навбат тайёр махсулотни сотишга келганди. Равшан Умаров уйлай-уйлай бозор жойини ҳам танлади. У қўлбола усулда тайёрланган ситим 100 граммли 888 донна елим станкандаги ароқни машинага ортиб тўғри Шайхонтоҳур тумани ҳудудига жойлашган «Ўзқўрғазмасавдо» мажмуасига келди. Энди «юк»ни тушириб, аравага жойлаётган вақтда ишнинг миси чиқиб қолди. Ҳужжатлар расмийлаштирилиб, суриштирув бошланди. Ҳуқуқбузар истиқомат қилувчи уйдан қўлбола усулда ароқ тайёрлашда ишлатилган асбоб-ускуналар топилди. Олинган 888 донна 100 граммли қўлбола усулда тайёрланган ароқ махсулотларини мутахассислар истеъмолга арозис, деб топилди. Суд яширин цехда қўлбола «станканчик» тайёрлаган Равшан Умаровга нисбатан тегишли жазо белгиланди. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш керак. Агар қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилган истеъмолга арозис ароқни хамшахарларимиз сотиб олганда қанча фуқаролар соғлиғидан ажралиб, оғир аҳволга тушишлари мумкин эди. Нафсига эрк бериб, одамларнинг соғлиғини уйламаган бу инсонда виждон, диёнат бормикан, деган савол хавлага келади? Жуманазар ЖУМАНЯЗОВ, Бош прокуратура хузуридаги СВОЖ ва ЖДЛК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси Шайхонтоҳур туман бўлими суриштирувчиси

етарли ишчи кучи ресурсларига; ➤ шартнома (контракт) тузишга лавқатли; ➤ юридик ҳуқуқга эга, шунингдек ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт. Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел/факс: (8-375) 223-10-63. Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида

Table with columns for BOSH MUHARRIR, SAHIFACHILAR, and other staff information.